

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (10.885)

Баҳоси эркин нарҳда

ПРЕЗИДЕНТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 20 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВНИ, «ЮНИВЕРСУМ БОКС-ПРОМОУШН» (GERMANY) ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЛУБИ ПРОМОУТЕРИ КЛАУС-ПЕТЕР КОЛЬ ВА Р.ЧАГАЕВНИНГ УШБУ КЛУБДАГИ МЕНЕЖЕРИ ТОЙМАС НИЁЗОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Бир ҳафта илгари Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал боксинг энг нуфузли – Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида ўтган баҳсда Руслан Чагаев жаҳон чемпиони камарини қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан таниқли боксчимизга йўллаган табригида Ўзбекистон ахли бугун унинг спорт оламида кўрсатган беқиёс жасоратини байрам қилаётганини, халқимиз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган ўғлонининг тарихий ғалабаси билан ҳақли равишда фахрлинишни таъкидлади.

— Мен сени – ҳалол ва мурасасиз ўтган гоят кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, ўзбек спорти ва жаҳон бокс соҳнасида янги, зарҳал саҳифа очибга эришган забардаст ўғлонимизни яна бир бор кутлашдан мамнунман, — деди Президентимиз. — Ўзбекистон байроғи ва мадҳиясини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаётганин учун катта раҳмат.

Юртбошимиз бутун мамлакатимиз, кўпмиллатли халқимиз номидан Ўзбекистоннинг мард ва баҳодир ўғлонига, мана шундай ўғлонни воғая етказган оила аъзоларига ва яқинларига, тренер ва мураббийларига, Штутгартда унинг ёнида бўлганларга, Ўзбекистонда туриб уни қўлаб-қувватлаганларга миннатдорлик билдирди.

Тарих ҳақиқати шунки тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан юз бермайди. Бугун халқроқ спорт майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашиб, олий шохуларига қўтарилаётган йиғит-қизларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, яъни бундай оламшумул зафарларнинг замини қарда деган савол туғилиши табиий, албатта.

Бунинг замини — аввало, халқимизнинг табиатида, салохияти ва буюк имкониятларида, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган энгилмас куч-қудрат ва азму шижоатда.

Бунинг замини — давлатимиз раҳбарининг спортга, айнқса, болалар спортига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бераётган катта эътиборида.

Р.Чагаевнинг жаҳон бокс майдонида эришган муваффақияти бу борадаги эзгу интилишларимиз ва улуғвор ишларимизнинг мантқий натижаси, халқимиз нимага қодир эканлигининг амалий ифодаси, иштирокимизнинг самарасидир. Бу улкан ютуқ халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаглигини яна бир бор тасдиқлади.

Халқлар, мамлакатлар тарихида бундай муҳим ва шонли саналар кам бўлади. Айнқса, ўз халқининг фахру гурурига, Ватанининг ифтихорига айланмақда буюк бахт ҳар ким-

га ҳам насиб этавермайди. Руслан Чагаев ўз кучи, қатъияти, фидойилиги туфайли ана шундай бахт ва омадга мушарраф бўлди. Николай Валуведк факулдада кучга эга боксчи билан бўлган мурақаб жангда боксчимиз наинқи чайир билаклари ва залворли муштининг кучини, айна чоғда, ўзининг маънавий-руҳий салоҳиятини, тобланган иродасини, қатъиятини тўла намоеъ қилди.

— Хали олдинда сени янғидан-янғи зафарлар кутмоқда, — деди Ислам Каримов. — Қарда бўлсанг, қайси марраларни забт этишга бел боғласанг ҳам, шуни унутмагинки, халқимиз доимо сен билан биргадир. Элниг оқ фотиҳаси туфайли ҳаминша йўлинг очик, қўлинг баянд ва иқболинг порлоқ бўлғай. Кексаларимизнинг дуосио ёшларимизнинг ҳурмат-эътибори доимо руҳингга мадад, танингга шижоат бағишлашига ишончим комил. Мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган улуғларимизнинг, азиз авлибаларнинг руҳи сенга ҳар жойда, ҳаминша мададор бўлсин.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 17 апрелдаги Фармониға биноан, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоеъ этгани, мамлакатимизнинг халқроқ майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини дунёға тараннум этиш, ёш авлодни Ватанға муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аънаваларини янада юксалтиришға қўшган улкан ҳиссаси учун Р.Чагаев «Буюк хизматлари учун» орденни билан тақдирланди. Юртбошимиз Р.Чагаевга ана шу орденни ва Андижондаги «УздЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган «Lасев» автомобилли калитини топширди.

Президентимизнинг фармонларига мувофиқ Р.Чагаевнинг устоз ва мураббийлари — «Юниверсум бокс-промоушн» профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль — «Жасорат», боксчимизнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниёзов эса «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ислам Каримов уларға ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотланганлар Президентимиз Ислам Каримовға ўз меҳнатларини юксак тақдирлагани учун самимий миннатдорлик ихзор этдилар. Руслан Чагаев мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатаётган катта эътибори ва спортчиларға нисбатан ғамхўрлиги учун Юртбошимизға миннатдорлик билдирди, бундай эътибор Ўзбекистонимизнинг халқроқ нуфузини оширишда муҳим омили бўлаётганини, Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуғлашда бундан кейин ҳам куч-ғайратини аямаслигини алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВА ЎЗ НОМИНИ ЖАҲОН СПОРТИ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИГА ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН БИТГАН ВАТАНДОШИМИЗ, БОКС БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВ 20 АПРЕЛЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ БОШ МАЙДОНИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОМУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛДАСТА ҚЎЙДИ.



РУСЛАН ЧАГАЕВ: ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН



Мустақиллик майдони — барчамизнинг сеvimли кадамжомиз. Спортчиларимиз нуфузли мусобақалар олдинда ҳамда халқроқ майдонларда эришилган ғалабаларидан сўнг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдасталар қўйиши аънаға айланган. Зеро, ҳар бир ўзбек спортчиси ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эришилаётган юксак натижалари, қўлга киритилаётган медаллари, тарихий ғалабалари истиклолимизнинг шарафатидан эканини яхши билади.

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Руслан Чагаев шуни алоҳида таъкидлади. Унда мамлакатимиз ва хоржий оммавий ахборот воситаларидан қўлаб журналистлар иштирок этди. Президент-

тимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб воғая етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришға, аҳолини, айнқса ёшларни спортга жалб этишға алоҳида эътибор қаратилаётган ўз самарасини бермоқда. Руслан Чагаевнинг катта спортда эришган ушбу тарихий ғалабаси бунинг эркин далилидир.

Руслан Чагаевнинг пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуиди машғул ўтказётган ёш боксчилар билан учрашуви жаҳон чемпионининг метиндек мухтакам кафтини қисшиға муваффақ бўлган болалар хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши, уларни янги

зафарлар сари руҳлантириши, шубҳасиз.

Спорт оламиға энди кириб келётган кўпчилик болакайлар сеvimли спорт юлдузларига ўхшашға ҳаракат қилади. Руслан Чагаев ҳам болалиқда хаваскор боксчилар ўртасида биринчи ўзбек жаҳон чемпиони Руфат Рискиев, Муҳаммад Али, Майк Тайсон каби машҳур боксчиларға хавас қилган бўлса, не ажаб.

Хаваскор боксчилар ўртасида Р.Рискиев эришган натижаларни икки маротаба тақорлаган Руслан Чагаев қачонлардир америкалик М.Тайсоннинг белида чақнаган олтин камарни бугун юртимизға олиб келди. Шундай қилиб, унинг ўзи энди ёш спортчиларимиз учун ибрат намунасига айланди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 апрель куни Оқсаройда Литва Республикаси Ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунасни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истикболлари, савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда долзарб минтақавий ва халқроқ муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

●Олмалиқ шаҳар марказий поликлиникаси «Олмалиқ кон-металлургия» комбинати очик акциядорлик жамияти ҳомийлигида реконструкция қилиниб, мукамал таъмирлангач, бу ерда рентген-диагностика бўлими иш бошлади.

●Марғилонда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» ҳафталиги бўлиб ўтди. Кино санъати кунлари ҳафталиги доирасида «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги» ҳужжатли фильмининг тақдироти ҳам ўтказилди.

●Андижон шаҳар халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган «Андиана» болалар ва ўсмирлар маркази жамоаси «Халқ ансамбли» макомини олди. Ушбу ансамбль нафақат республика, балки турли халқроқ танлов ва фестивалларнинг ҳам совриндори ҳисобланади.

●Риштон туманидаги «ASIA KERAMIK» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасида ишға туширилган янги ишлаб чиқариш ускуналари Риштон черепчалари тури ва микдорини кўпайтириш, сифатини ошириш имконини берди. Корхонанинг ишлаб чиқариш цехларида ҳар куни 300 квадрат метрдан ортқ экологик тоза, ярқиллик муддатига 100 йил қафолати бўлган харидорнинг махсулотлар тайёрланади.

●«Попфен» ўзбек-турк қўшма корхонасида жорий йилнинг биринчи чорағида 2 миллиард 690 миллион сўмлик юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарилди. Жумладан, поплик йиғирувчилар хоржийдаги шерикларига 1 миллиард 870 минг долларлик махсулотни экспорт қилишди.

●Наманганда 18 ёшғача бўлган ўғил-қизлар ўртасида теннис бўйича ITF таснифиди халқроқ турнир бўлиб ўтди.

●Олтиариқ — Ҳамза автомобил йўлидаги катта Фарғона канали устидан ўтган кўприкни таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланди. Бу ерда 252 миллион сўмлик кўприк-йўл таъмирлаш ишлари бажарилди.

●Бекобод саноат касб-ҳунар коллежи янги ўқув марказиға эға бўлди. Тошкент Давлат техника университети энергетика факультети ҳиммати билан ташкил этилган бу марказ олий ўқув юрти кафедрасининг шохобчаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

●Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсата бошлади. Янги марказда электрон каталог, электрон ўқув зали ва сервер комплексида иборат электрон ўқув мажмуаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

●Нидерландия маъмурияти Фаластин бош вазири Исмоил Хониянинг Роттердам шаҳриға ташрифи учун виза беришни рад этди. Зеро, Европа Иттифоқи томонидан террорчилик ташкилоти сифатида «қора рўйхат»ға киритилган «ХАМАС» ташкилотига Хониянинг боғлиқлик жойи бор.

●Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари расмийларининг икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлики тиклаш юзасидан олиб борган музокаралари самарасиз якуланди. Расмий Сеул Шимолий Кореяға мамлакатдаги Йонмен ядро реактори ёпилмаганиға гуруҳ етказиб беришни тўхтатди.

●Литва сейми 2008 йилни «Хушёрлик йили» деб эълон қилиш тақлиф этилган қарор лойиҳасини муҳокама қилишға киришди. Таъкидлаш керакки, ушбу лойиҳа депутатлар томонидан кун тартибига бир овоздан киритилган.

●Ҳиндистонда янги қитъалароқ баллистик ракета яратиш устида иш олиб боришмоқда. 5500 километр масофаға учадиган янги курилманнинг аниқлик даражаси ва тезлиги устида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Агарда ушбу режа амалға оғса, Ҳиндистон шундай ракеталар мавжуд бўлган бешинчи мамлакат бўлади.

●Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони «Telesom Italia» компаниясининг 18 фоизлик акциялар пакетини сотиб олмақчи. У шу тариқа ўз бизнесини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Айна пайтда Берлускони мамлакатдаги учта йирк телеканалға эғадир.

●Чукотка мухтор округи губернатори ва Лондоннинг «Челси» футбол клуби президенти Роман Абрамович ҳамон Россиянинг энг бой кишии бўлиб қолмоқда. «Forbes» журналининг Россияда чиқадиган наширида таъкидланшича, унинг бойлиги 19,2 миллиард АҚШ долларига тенгдир.

●Япония парламентининг куйи палатаси жинойи қонунчиликка ўзгартириш киритди. Энди қонун лойиҳаси парламентнинг юқори палатасиға тақдим этилади ва июнь ойиғача улар тасдиғидан ўтади. Ўзгартириш киритилган янги қонун лойиҳасининг моҳияти шундан иборатки, эндиликда жиноятчи ўсмирлар 11 ёшдан эътиборан жинойи жавобгарликка тортилади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Каска састрларда

●**БУГУН** Чилонзор туманидаги «Бешбўғ наво» маъсуляти чекланган жамиятида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра субҳати «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш устувор вазифамиздир» деб номланди.

●**БЕКТЕМИР** туманидан муддатли харбий хизматға отланган йиғитларни Куролли Куллар сағига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

●**ЎТГАН** куни Юнус Ражабий номидаги мусика «колледж»да уюштирилган «Очик эшиklar кун» тадбирида мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** Кимё-технология институтида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилган илмий-амалий анжуман таълим самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ахамиятиға бағишланди.

●**ШАХРИМИЗДАГИ** 103-интернат мактабда тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида экофестиваль бўлиб ўтди.

●**АВИАСОЗЛАР** маданият саройида Ҳамза туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танловининг туман босқинида тумандаги 44 та мактабға таълим муассасаларининг тарбиячилари ўзаро беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Тошкент шаҳар ҳокимлигида УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ПОЙТАХТДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛДАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ШАҲАР ФАОЛЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОБОТ ДАВРИ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ГАЛДАГИ РЕЖАЛАРИНГ ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ. ЙИҒИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ АБДУҚАҲҲОР ТЎХТАЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Кун тартибидидаги асосий масала юзасидан тингланган ахборот давомида, жумладан, ҳисобот даврида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш ҳамда технология жиҳатдан янғилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик харакатини жадаллаштиришни ҳар томон-

лот ҳажми 108,6 фоизни ташкил этган ҳолда, бу борада саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 19,9 фоизға, қурилишда —17,2 фоизға, чакана савдо айланмаси ҳажми — 23 фоизға, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми — 17,5 фоизға кўп таъминланди. Тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларнинг жалб этилиши 90 фоизға ортгани ҳам иқтисодиётдаги юқори ўсиш суръатларига салмоқли таъсир кўрсатди.

Ташқи иқтисодий айланма ҳажмлари ҳам сезиларли — 21,5 фоизға кўпроқ бўлиб, бунда экспорт қилинган савдо ва хизматлар ҳажми ўтган йилнинг мос давриға нисбатан 47,5 фоизға ортди. Худудий бўйсунувчи корхоналарнинг шаҳар экспортидаги улуши 116,3 фоизға бажарилди.

Ҳисобот даврида давлат ва маҳаллий бюджетта тушувлар мувофиқ равишда 3,9 фоиз ва 10,6 фоизға профицит кўрсатиши билан таъминланди. Бюджетдан ташқари жағғармаларға 110,7 миллиард сўм жалб этилди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: кураш — Олимпиада ўйинларининг энг қизиқарли турларидан бири эди.

...Махсус ҳайъат ҳар тўрт йилда бир марта Олимпиада ўйинлари тантанали очиладиган сана — ёзда қуёш энг юксак чўққисига кўтарилган, самода тўлин ой суза бошлайдиган биринчи кунни белгилаб беради. Мусобақалар анъана бўйича ҳамisha юнонларнинг муқаддас диний маркази ҳисобланган, олий илоҳ — Зевс ибодатхонаси жойлашган Олимп шаҳрида ўтказилган эди. Умумэлли байрамларнинг бу энг олийси бошланадиган санани алоҳида элчилар — спондорлар барча юнон давлатлари — полисларга барвақт етказардилар. Тўғри, бу ўн бешинчи Олимпия ўйинларидан кейин анъанага айланган. Унгача бу мусобақалар Олимп шаҳри жойлашган Пелопонес ярим ороли гарбий қисмида яшовчи маҳаллий юнонлар ўртасидагина ўтказиб келинган. Қиркинчи Олимпиада ўйинларидан бошлаб Олимпиадаларга Кичик Осиё ҳамда Буюк Юнонистон (Шимолий Италия ва Сицилия) эркин фуқаролари ҳам таклиф этиладиган бўлган.

Олимпиада ўйинлари санаси белгилашни биланок махсус жарчилар Эллада узра эжехерия — муқаддас сулҳ кучга кирганини ҳаммага маълум қилиб чиққанлар. Муқаддас сулҳ даври — икки ой, эллилар тақвими бўйича апапалоний ва перфиний ойларда Юнонистонда ҳар қандай жанговар ҳаракатлар тўхтатилган. Маъбудлар муқаддас сулҳни бузганларнинг бошига қулфат ёғдириши ва лавнатлаши даҳшати билан бир кимсанинг бу даврда Олимп шаҳрига қурол-ярғоқ билан қадам босиши таъқиқланган. Полислар ҳужумчилар Олимпиада ўйинлари пайтида биргина мусобақа иштирокчилари ва улар мураббийларининга эмас, шунингдек, барча томошабинларнинг ҳам хавфсизлигини кафолатлаганлар.


Сулҳ шу қадар муқаддас ҳисобланганки, кўҳна Олимпиада ўйинлари ўтказилган бир неча юзлаб йиллар давомида унга атиги икки марта рияз этилмаган ҳол бўлган. Бир сафар Филип Македонский лашкари аскарлари Олимпияга ўйинларига кетаётганлари йўлда тунаганликларини учун нафақат уларнинг пулларини қайтариб берган, балки мусобақа ташкилотчиларига жуда катта миқдорда жарима тўлашга ҳам мажбур қилинган. Бунинг устига Македонскийнинг ўзи муқаддас сулҳни бузганликларини учун кеңири ҳам сўраган.

Иккинчи бор миллоддан аввалги 420 йилда спарталиклар муқаддас сулҳ амал қилиб турган вақтда Лепрея шаҳрини қамал қилганликларини учун буле — Олимпия Кенгаши томонидан ўйинлар иштирокчилари рўйхатидан чиқарилган.

Шунинг учун Олимпиада ўйинлари миллатни бирлаштирадиган ва ўзаро товуликка хизмат қиладиган энг мўътабар умумюнон шодиёнаси ҳисобланган. Шаҳарлар ўз кучи, қудрати, салоҳиятини жангларда эмас, балки спорт беллашувлари, санъат ва адабиёт танловларида намойиш этишлари керак бўлган.

Ўз мардлиги, кучи, эңчиллигини Олимпиада ўйинлари майдонларида кўрсатиш атлетлардан катта тайёргарликни талаб этган. Миллоддан аввалги 572 йилдан бошлаб мусобақаларни ташкил этиш агонотесия — Эллада эркин фуқаролари зиммасида бўлган. Бу фуқароларнинг энг муносиблари орасидан 12 нафар элландоик — ҳакамлар сайланган. Улар фаолияти Олимпия Кенгаши назорати остида бўлган.

Элландоиклар Олимпиада ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишда амалда чекланмаган ваколатларга эга бўлганлар. Аслида улар бир йўла ҳам мусобақа ташкилотчилари, ҳам ҳакамлик вазифаларини бажаришган. Элландоиклар ўйинлар иштирокчилари рўйхатларини тузишган. Олимпиада ўйинларидан фақат эркин юнон фуқаролари иштирок эта олардилар. Яъни қўллар мусобақаларда катнашиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Юнон



СУРАТДА: Олимпиада ўйинларида курашчилар мусобақаси.

миллатига мансуб бўлмаганлар Олимпиадада фақат томошабин бўлиши мумкин эди.

Ўн икки элландоик орасидан бош ҳакам сайланган. Барча ҳакамлар учта-учтадан гуруҳларга бўлиниб, мусобақа иштирокчиларининг тартиб-ҳисобларига қатъий рияз этган ҳолда ҳалол беллашишларини таъминлаганлар.

Атлетлар ва уларнинг мураббийлари Олимпга Олимпиада ўйинлари очилишидан бир ой аввал, саралаш мусобақаларида катнашиш ҳамда ўйинларга тайёргарлик машқларини ўтказиш учун етиб келишган. Уларнинг беллашувларга тайёрлишлари учун палестралар — уша вақтда Юнонистонда кенг русум бўлган, 12-16 ёшли ўсмирларга мўлжалланган хусусий гимнастика мактаблари ажратиб берилган. Ўрни келганда палестрада Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган гимнастика, кураш, югуриш, сакраш, диск ва найза улоқтириш билан бир қаторда сузиш, эшак эшиш, сувга сакраш машғулотлари ҳам олиб борилганлигини қайд этиш лозим. Эллада денгиз қирғоғида жойлашганлиги назарда тутилса, сув спорти турларининг навқирон юнонлар учун нақадар катта амалий аҳамиятга эга бўлганлиги тушунарлидир.

Югуриш мусобақалари стадионларда, пойғалар отчопарларда, кураш ва мушт жанги гимнасион — ёпиқ спорт залларида ўтказилган.

Миллоддан аввалги V асрдан бошлаб

Олимпиада: асл қадриятлар

2. МАРД БЎЛСАНГ МАЙДОНГА ТУШ

ТАРИХИЙ МАНБАЛАР БИЗНИ КЎҲНА ЭЛЛАДАГА — ОЛИМПИДА МАШЪАЛАСИ НУРАФШОН ЭТАДИГАН УМУМЮНОН БАЙРАМЛАРИГА ҲАЁЛАН САЁХАТ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Олимпиада ўйинлари беш кун давом этган.

Биринчи кун бу улкан спорт ва санъат байрами ўтказилаётган маъбудлар маъбуды Зевсга қурбонлик қилиш маросими ўтказилган. Мусобақанинг барча иштирокчилари, ташкилотчилар, ҳакамлар, полислар вакиллари Олимп тоғи ёнбағрига ўрнатилган Зевс ибодатхонаси томон тантанали юриш қилганлар. Бу ерда олий маъбудга қурбонлик қилинган. Сўнг ўйин иштирокчилари муқаддас агон — мусобақаларда ҳалол иштирок этишга қасамёд қилганлар.

Иккинчи кун от қўшилган араваларда пойга, от пойғаси ва пентатлон (юнонча "пент" — "беш" ҳамда "атлон" — "кураш" сўзларидан) — беш кураш мусобақалари ўтказилган.

Учинчи кун ўсмирлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтган.

Тўртинчи кун югуриш, мушт жанги, панкратион (грекча "панкратион" — "умумкураш" сўзидан) бўйича мусобақалар ўтказилган.

Ва ниҳоят сўнгги — бешинчи кунда маъбудлар шарафига миннатдорчилик қурбонликлари қилиш ҳамда голибларни муқофотлаш маросимлари бўлиб ўтган.

Қадимий XIV Олимпиада ўйинларига гача югуриш мусобақаларнинг ягона тури эди. Уша даврларда бир босқичга югуриш ўтказиларди. У стадиондором (юнонча "стадион" — ўлчов бирлиги ва "дромос" — югуриш сўзидан олинган) деб аталарди. Яъни босқич юнонча "стадион" ўлчов бирлигидан келиб чиққан бўлиб, у 600 та оёқ кифти узунлигига тўғри келган. Юнон-рум босқичи — 176,6 метрни, Олимпия босқичи эса 192,27 метрни ташкил этган. Шунинг учун югуриш бўйича мусобақа ўтказиладиган жойлар ҳам стадион деб аталиб, кўҳна Юнонистонда у фақат ҳозирги ўйингоҳлардаги югуриш йўлакчаларининг ўзидан иборат эди. Бу йўлакчалар атрофига тупроқ уйилиб, томошабинларга жой тайёрланган.

Миллоддан аввалги VII Олимпиададан бошлаб ўйинлар мусобақалари дастурига диаурос — икки босқичга, навбатдаги XV Олимпиадада эса долохидором (юнонча "долихос" — "узун", "узок" ва "дромос" — "югуриш" сўзларидан олинган) — 7 тадан 24 тагача босқичга югуриш киритилган.

Бундан ташқари қурол-аслаҳа билан югуриш — поллитодром бўйича ҳам мусобақалар ўтказила бошланди. Поллитодромда атлетлар қалқон, найза, ханжарлари билан икки босқич масофага югуриш мусобақалашардилар. Миллоддан аввалги IV асрдан бошлаб, бу беллашувларда спортчилар фақат қалқонлари билан югурадиган бўдилар. Югуриш, икки босқичга югуриш ҳамда қурол-аслаҳа билан югуришининг барча турларида голиб чиққанлар (бу уч беллашув бир кунда ўтказилган) триаст — уч қарра чемпион унвонини қўлга киритар эдилар. Кўҳна Олимпиада бутун тарихи давомида Родос оролидан бўлган Леонидас икки марта триаст шонли унвонини қўлга киритгани маълум. Бу гоёт истеъдодли атлет тўрт Олимпиадада иштирок этиб, ўн икки қарра голиблик чамбарагига сазовор бўлган.

Миллоддан аввалги 490 йил 13 сентябрда юнонлар Афина шаҳрида жойлашган Марафон қишлоғи атрофида форслар

қўшинини тор-мор қиладилар.

Олимпиада ўйинлари тадқиқотчилари юнонларнинг улардан сон жиҳатидан анча устун — 10 минг ортиқ, худди шунча ёйчилар ҳамда кўп сонли пиёда лашкарларига эга бўлган форсларни мағлуб этишларида ўз голлитлари — найза ва қилич билан қуролланган, қалқонли, совут кийган аскарлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлашади. Голлитларнинг бу қурол — аслаҳалари 33 килограмм оғирликда бўлганлиги маълум. Бу зил-замбил қурол-аслаҳа билан жанг қилиш голлитларнинг жисмоний жиҳатдан жуда чиниққан бўлишларини талаб этарди.

Бу ҳисобга олингани ҳолда миллоддан аввалги IV асрдан бошлаб кўҳна Юнонистон полисларида ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлашда голлитодром — қурол-аслаҳа билан югуриш мусобақаларидан ҳам фойдаланишган. Уша пайтдан бошлаб голлитодром Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган.

Марафон қишлоғи яқинида голлитлар таъминлаган тарихий галаба ҳақидаги хушхабарни пойтахт Афинага етказиш жангчи Фидиппидга топширилади. У қирқ чақиримдан ҳам ортиқ масофани тўхтамасдан юрган ҳолда ўтайди ва пойтахтга етиб келиб, сўнгги нафаси билан "Биз галаба қозондик!" дея жон таслим қилади.

Фидиппид югуриб ўтган масофа 42 километру 195 метрни ташкил этган эди. Франциялик тилшунос М.Бреали ташаб-

Миллоддан аввалги 648 йилда атлетлар Олимпиадада панкратион — умумкураш бўйича ҳам беллаша бошладилар. У яккурашнинг барча турлари — мушт жанги, тик туриб кураш ва гиламда курашни бирлаштирган эди. Ўйинларда бир йўла ҳам панкратион, ҳам алоҳида мушт жангида голиб чиққанлар ўта қадранар эдилар. Бу чемпионлар алоҳида рўйхатда қайд қилинарди. Миллоддан аввалги II асргача, яъни Олимпиада ўйинлари ўтказила бошланган салкам олти юз йил давомида бу рўйхатда бор-йўғи 9 атлетнинг номи зикр этилган.


Олимпия ўйинлари кўҳна даврда шу қадар шўҳрат қозongan эдики, уларнинг тўрт йилда бир марта ўтказилиши юнонликлар учун жуда узоқ муддат бўлиб кўрина бошланди. Шу сабабли нуфузи бўйича Олимпиадага тенглаша олмас ҳам бошқа, янги-янги умумэлли байрамлари ташкил этила бошланди.

Миллоддан аввалги 590 йилдан бошлаб Криссей пасттекислигидаги Дельфа қишлоғи ёнида Пифия ўйинлари ўтказила бошланди. Юнон ёзувчиси, ўн жилди "Эллада баёни" муаллифи Павсанийнинг гувоҳлик беришича, ушбу ўйинларга Диомед асос солган. Афсонавий қаҳрамон Аполлоннинг аждаҳо Пифон устидан голиб чиқиши шарафига уюштирила бошланган бу мусикавий ва спорт мусобақалари умумэлли байрами бўлиб, аҳамияти жиҳатидан Олимпиада ўйинларидан кейинги иккинчи ўринда турарди.

Пифия ўйинларининг Дельфада ўтказилиши рамзий маънога эга эди. Ушбу шаҳарча фан ва санъат хомийлари — тўққиз илоҳ танлаган Парнас тоғи ён бағирларида жойлашган эди. Даставвал саккиз йилда, кейин тўрт йилда бир марта Олимпиада ўйинларидан кейинги учинчи йилда ўтказиладиган бу байрамда мусикачилар, адиблар, ҳайкалтарошлар, рассомлар танловлари махсус қурилган театрда, бешкурашчилар, югурувчилар, пойғачилар, мушт жанги усталари, найза ва диск улоқтирувчилар стадионларда куч синашардилар.

Бундан ташқари миллоддан аввалги 583 йилдан ҳар икки йилда бир марта Истма ўйинлари, 573 йилдан Немейя ўйинлари ўтказила бошланди.

Маълумки, аёллар кўҳна Олимпиада ўйинларида ҳам томошабин сифатида катнашиш ҳуқуқига ҳам эга эмас эдилар. Қизларга мусобақаларни томоша қилишга руҳсат берилган бўлса ҳам улар спорт майдонларида ўзаро беллаша олмасдилар. Шунинг учун миллоддан аввал-



СУРАТДА: поллитодром-қурол-аслаҳа билан югуриш.

ги бешинчи аср ўрталаридан қизлар учун Гера ўйинларининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Гера ўйинлари маъбуд Гера шарафига ташкил этилиб, тўрт йилда бир марта — Олимпиада ўйинлари тугагандан сўнг бир ойдан кейин ўтказиларди. Уларда қизлар ягона спорт тури — 160 метр (стадионнинг олтидан беш қисми)га югуришда куч синашганлар.

Олимпиада каби бу умумэлли байрамлари ҳам ҳар бир полис куч-қудрати, салоҳиятини жангоҳларда эмас, мусобақалар майдонларида, танловларда аниқлаш, миллатни бирлаштириш, фуқароларни ҳам руҳан, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топтириш олижаноб мақсадларига хизмат қилган.

Эркин ЭРНАЗАРОВ



СУРАТДА: Гера ўйинлари катнашчиси.



САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) мейморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфра-музимасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутарди.

Ўйлаймики, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз хиссасини қўиши ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топиларди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

Таълим

ЭНГ ЯХШИ АХБОРОТ ГУРУҲИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎЗ ТАСАРРУФИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ.

Маънавий-маърифий тарбиянинг юқори сифат кўрсаткичларига эришаётган олий ўқув юртлари жамоалари муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида татбиқ қилинган янги таълим тизими эса энг илғор тарбиявий усул деб баҳоланди. Олий ўқув юртининг «Ахборот гуруҳи» иши ҳам эътиборни ўзига тортади. Бу инобатга олинаиб ушбу жамоага «Энг яхши ахборот гуруҳи» деган фахрли ном берилди. Талабалар кенгашлари мустақил ва демократик тамойиллар асосида бошқарилаётган муассасага айланди.

ТАЪЛИМИЙ ПОЙИҲА ДОИРАСИДА

БМТНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАКТАБЛАРАРО РЕСУРС МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА.

Марказнинг Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорлигида эса ўқитувчиларни интернет таълимига ўргатиш бўйича янги дастур яратилди.

Мазкур дастур доирасида «Интернет ресурслари» таълим тури бўйича ўқув машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. Компьютерларда ишлаш ва улардан фойдаланиш юзасидан машғулотлар ҳам уюштирилмоқда.

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКДА

ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАРИХ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ» ДЕГАН ЛОЙИҲА ҲАФТАЛИГИ ЎЗБЕК ВА НЕМИС ЭКСПЕРТЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

«Ўзбекистон таълим тизимида замонавий тарих», «Немис-медиа воситаларида тарих талқини», «Поэзия-тарих ўқитишда муҳим манба» каби маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу тадбирда Германиядаги Аугебург университети ўқитувчилари ҳам иштирок этиб, ўзбек ва немис халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида қизиқ қилдилар.

Ақбар АЛИЕВ

ОЗ-ОЗ ЎЎГАНИШ ДОМО БЎЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН— ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

Биз агар наймиз — наво Ҳақдин келур, Биз агар тоғмиз — садо Ҳақдин келур.

Жонни кўрмоқ кимсага дастур эмас.

Пухтанинг холини ҳеч билгайму хом?

Тўлмагунча то садаф дур бўлмагай.

Кўзага жо бўлғуси денгиз, бале, Бир кунинг ул кўзага сиғмас вале.

Чунки гул кетса, гулистон қолмагай, Сўнгра булбул бирла дoston қолмагай.

Кимда йўқдур ишққа бир парво магар, Ул қанотсиз куш эрур, беболу пар.

Кўза бор эрканда сув йўқ эрди, бас, Сув топилди — кўзага етди шикаст.

Иш чиқар ишдан жаҳонда ҳар нафас.

Раббанодин барча истармиз адаб, Беадаб кўрмас жаҳонда лутфи Раб.

Йўқ, фақат этмас ўзига ул ёмон, Беадаб ургай жаҳонга ўт ҳамон.

Суфрадин нон еб, анга айтмай шукур, Айбласанг уй соҳибин, бўлғай кўфр.

Кимки дўстига қабоҳат айласа, Мард йўлин тўсгучи номарддир ўша.

Нурга тўлмишдир адаб бирлан фалак, Ҳам адабдин маъсуму покдир малак.

...ганж топдим ўзимга сабр ила.

Келди ошиқлик кўнгилнинг зоридек, Йўқ беморлик кўнгил беморидек.

Дарди ошиқ ўзгадир олам аро, Ишқ — устурлоби асрори Худо.

Қанча этмай ишқни мен шарху баён, Ишққа дуч келсам, хижилдирман ҳамон.

Офтоб эрмиш далили офтоб.

Орзу қил, лекин бир оз ҳаддингни бил, Бир сомон чўл бирла тоғни йиқмагил.

Ул кўешким, бизга кўқдин нуртарар, Гар яқинлашса, жаҳонни ёндирар.

Гар тикан кирса оёққа, бегумон Тиззага олгунг оёқни шул замон.

Игна бирла чиқмаса ул бир йўла, Лаб босиб, олмоқ бўлурсан тиш ила.

Бас, тикан ботса оёққа бул азоб, Дилга санчилса не бўлғай, бер жавоб?

Доналар чун ерга пинҳон бўлдилар, Барқ уриб сўнг сабза, райхон бўлдилар.

Симу зар гар бўлмаса кўздин ниҳон, Бўлмас эрди симу зар бергучи кон.

Ваъдаи аҳли қарам — нақди сафо, Ноаҳллар ваъдаси — ранжу бало.

Ишқ этса ранг-рўйни интиҳоб, Ишқ эмасдир, оқибат бўлғай хароб.

Ўз пати товусга душмандир, қаранг. Чунки ул патнинг жилоси турфаранг.

Оху дерки, мушки анвойим учун Этди сайёд найзаси кўксимни хун.

Тулки дер, теримки пўстинбоп, гўзал, Шул сабаб бошим кесарлар ҳар маҳал.

Гарчи девор соя солгайдир дароз, Қайтадур соя ўшал деворга боз.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ўзбекистон стоматологларининг даргаларидан бири Миржамол Мирёкубовнинг 60 йилдан зиёд умри тиббиёт билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бу инсоннинг стоматология соҳасига қўшган улкан хизматлари ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)да стоматология факультетининг ташкил топишида жонбошлик кўрсатган, республикада шифокор-стоматологлар ва тиш техниклари тайёрлаш ҳамда ушбу соҳанинг ривож топишига улкан ҳисса қўшган зарбадист олимлардан саналади.


1957 йили Миржамол Мирёкубов Москва стоматология институтини тамомлаб келгач, Тошкент Давлат тиббиёт инсти-

дор, куй-қўшиқ ва шеърятни яхши кўради, ўзи ҳам ижод қиладиган, ҳазил-мутойиба, кулгу шайдоси, табиат ишқибози. Хуллас ўз касбининг устаси, кўп қиррали олимдир. 1960 йилдан шу кунга қадар стоматология касалликларининг олдини олиш мақсадида ёзган оммабол 5 та ҳажвий шеърый китоби, поликлиника ва мактаблар учун 7 та рангли плакат, шу жумладан болалар учун 9 тилда ёзилган рангли ҳажвий-шеърый китоби кўпчиликнинг эътиборини тортган. 2006 йилда унинг «Умрим мазмуни» номли китоби нашр этилди. Унда республикада стоматология соҳаси ривожининг қисқача тарихи, ҳаётий хотиралари, авлодлари ва ижодидан намуналар ўрин олган. Олим

Хамшаҳарларимиз

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

«ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ, ИБРАТ ИЗЛАГАНГА ИБРАТДИР ДУНЁ» ДЕЙДИЛАР. ДАРҲАҚИҚАТ, БУ СИРСИНОАТЛАРГА, ҲИҚМАТЛАРГА ТҮЛА ҲАЁТНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИШ ИНСОННИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ. ҲАЁТ—ОДАМЗОТГА БЕРИЛГАН ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТДИР. МАНА ШУ БЕБАҲО НЕЪМАТНИ ҚАДРЛАБ, ҚИСҚАГИНА УМРНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ, УНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШГА НЕ ЭТСИН. ОРАМИЗДА АНА ШУНДАЙ ИБРАТЛИ УМР СОҲИБЛАРИ БОРКИ, УЛАРНИНГ САМАРАЛИ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ, ҚИЛГАН ЭЗГУ АМАЛЛАРИ БАРЧАМИЗГА ЎРНАК БЎЛАРИДИР.



Дилором ИКРОМОВА

тутининг ортопедик стоматология кафедрасида ассистент бўлиб иш бошлади ва кафедранинг барча ишларида фаол қатнашиб, кўпчиликнинг эътиборига тушди. 1962 йилда биринчи марта ортопедик стоматологиядан янги усулни қўллаб китоб чикарди. 1963 йил ана шу китоби тўғрисида тиббиёт фанлари номзоиди ва 1964 йилда доцент илмий даражасига эришди. Ушбу китоб ортопедик стоматологияни янги ўлаштираш соҳасида янги ўқиш услубини қўллашга бағишланганди.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар мазкур китобдан нафақат талабалар, балки амалий иш олиб борувчи ортопед-стоматологлар, тиш техниклари ҳам фойдаланмоқдалар. Кейинги йилларда бу китоб уч мартаба қайта нашр этилди. Шунингдек, ортопедик-стоматология соҳасини талабалар яхши ўлаштираши учун илк бор Миржамол ака талабалар қабул қиладиган беморларга бепул тиш протезини тайёрлаб беришни жорий қилди. М.Мирёкубов 1991 йилда профессор В.Панчоха билан ҳамкорликда «Восстановление коронок зубов вкладками» номли китоб нашр этди. Шунингдек, ҳамкор муаллим сифатида «Большая медицинская энциклопедия», «Узбекская большая энциклопедия», «Узбекча-русча тиббиёт лугати» ва «Узбекча-русча изоҳли лугатлар»ни чоп этишда қатнашди. Шу билан бирга турли тўплам ва журналларда 149 та илмий мақолаларни чоп этилган, 3 та стоматологияга оид илмий тўпламга раҳбарлик қилган. Заҳматқаш олим республикамизда стоматология соҳасининг ривожига салмоқли ҳисса қўшибгина қолмай, бошқа соҳалардан ҳам яхши хабар-

кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида минглаб беморларга юқори маҳалли ортопедик-стоматологик ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда юзлаб шогирдларга устозлик қилди. 6 нафар шогирдлари олимнинг раҳбарлигида фан номзоиди илмий унвонига эришдилар. Улар айна кунда тиббиёт институтларида ассистент, доцент, кафедра мудури вазифаларида сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Миржамол ака ўз касбининг фидойиси, ортопедия, стоматология ва тиш техник амалиётини юқори даражада биладиган шу соҳанинг етук мутахассисидир. У киши билан мулоқотда бўлган ҳар бир инсон, айниқса беморлар ниҳоятда камтарона, сармимий ҳазил-мутойибага бой суҳбатларидан диллари чоғ бўлади. Олимнинг стоматология соҳасида кўрсатган хизматлари ҳуқуқатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Республика соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Айни кунда 80 баҳорни қарши олаётган бу заҳматқаш олимнинг серқирра ва мазмуни умр пиллапоялари билан танишиб, у кишининг ҳануз эл саломатлиги йўлида тиним билмай, беморлардан ўз ёрдами ва маслаҳатларини аямий меҳнат қилаётганини эшитиб лол қолдик. Миржамол аканинг қизи Дилфуза Мирёкубова ҳам ота касбинини улуғлаб шифокор-стоматолог бўлиб етишди. Айни кунда у халқ саломатлигини тиклаш борасида маъсуляти билан хизмат қилмоқда. Шундай табарруқ ёшда ҳам тиниб тинмай меҳнат қиладиган мазмуни ҳаёт йўли соҳибини — Миржамол акадан бошқалар ибрат олса арзийди.

Дилором ИКРОМОВА

Мунажжим башорати

САНЪАТГА МУҲАББАТ КУНИ

24 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА Бугунги куннинг биринчи ярми кечаги жаҳолат ва қаттиқликка мойиллик билан ўтса, иккинчи ярми сулҳпарварлик, санъатга муҳаббат ва қишлоқ хўжалик ишларига қизиқиш ортган ҳолда давом этади.

Кўёш тақвимининг 5-кунини ерга ишлов бериш, экинлар парварши билан шуғулланишга даъват этади. Шунингдек, узок муддатли шартномалар ҳамда муҳим ҳужжатларни имзолаш учун ҳам кун хайрли бўлиши кутилади. Бекорчилик қатъиян ман этилади.

Ой тақвими бўйича бугун таъба кунини йўл қўйган хатоларингиз ҳақида ўйлаш, уларни таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш фойдали бўлади. Бугун апрель ойининг энг фитнакор кунларидан бири бўлиб, одамлар инжик, кўрс бўлиб қолишади. Бундай вақтда

келишилган битим ва шартномалар бажарилмай қолиб кетиши аниқланган. Бугун ёмғирда қолиб, ивиб кетиш сирлангиз ошкор бўлишдан оғохлантирувчи нохуш хабар ҳисобланади.

БУГУН: — сафарга, саёхат ёки хизмат сафарига йўл олиш; — ўз билимингизни қўллаш имконини берувчи ташкилий ва бошқа ишлар билан банд бўлиш; — мустақил ва оқилона ҳаракатлар қилиш; — сидқидилдан меҳнат қилиш; — интеллектуал ижодий қобилиятингизни тўла намоён этишингиз; — ўзингизни хайрихоҳларча тутишингиз тавсия этилади.

Ташқи қиёфангизга ортиқча эътибор қилиш, танангизнинг совиб кетишига йўл қўйиш, тиш оғригига чидаб ўтиришдан ўзингизни эҳтиёт қилинг. Зеро, бунинг оқибати саломатлигингиз учун хавф солиши мумкин.

Фестиваллар

«СЕҲРЛИ ЁҒДУ — 2007»

«СЕҲРЛИ ЁҒДУ—2007» РЕСПУБЛИКА КИНО-ФОТО ФЕСТИВАЛИДА МАЗКУР СОҲАДА ЎЗЛАРИ ЯРАТГАН ИЖОДЛАРИ БИЛАН ҲАВАСКОР БОЛАЛАР ҚАТНАШДИЛАР.

Ушбу республика болалар кино-фото фестивалини ўтказишдан бир қатор хайрли мақсадлар кўзланган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Мидлий дастурини амалга ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кино-фото касбига ўқувчиларни йўналтириш ва у орқали улар орасида тарғибот ишларини олиб бориш кино-фото соҳаси ривожига ҳисса қўшиш шулар жумласидандир. Қолаверса, голибларни «Иқтидор банк» болалари рўйхатига қўшиб улар билан алоҳида иш олиб бориш, марказларда фото тўғраги ва болалар видео студиялари сонини кўлайтириш ҳамда ўқувчилар орасида видео, компьютер техникасидан фойдаланиш, малакаларини ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ҳам танлов йўналишига қиради.

Республикамиздаги энг иқтидорли болалар қатнашган танловда кино санъати йўналиши бўйича мутлақ голибликни пойтахтлик Севара Абдусаломова

қўлга киритган бўлса, фото йўналиши бўйича эса Бухоро шахридан Бахруз Ергашев тенгдошларидан устун келди.

Ушбу танловнинг республика босқичида голиб чиққан иқтидорли болалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси кино-видео ҳаваскорлар уюшмаси, «Янги авлод» медиа болалар маркази, шунингдек, республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази томонидан қиммат-баҳо совғалар билан тақдирландилар.

Энг муҳими, икки кун давомида ҳаваскор ижодкор болалар ўз ижодларини намойиш қилиб, бир-бирлари билан фикр алмашдилар, ўзaro тажрибаларини ўртоқлашдилар. Ҳар бирлари кўнгилларида қайсидир иштирокчининг ижодига ўзгача баҳо бердилар. Биз фестивалда қатнашган барча иштирокчиларга келгуси фаолиятларида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Зилола МУТАЛОВА

Спорт янгилликлари

Шашка

ЮРТДОШЛАРИМИЗ — ОСИЁДА БИРИНЧИ

Шаҳримиздаги «Саёхат» меҳмонхонасида Халқаро шашка федерацияси ташаббуси билан болалар ва ўсмирлар ўртасида Осие чемпиони нати бахслари бўлиб ўтди. Қўтгамизнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган 107 на-

фар шашкачи қатнашган ушбу нуфузли турнирда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси шохсупанинг энг юқори погонасини эгаллаганини ҳам мухлислар яхши билишади. Халқаро шашка федераци-

яси томонидан терма жамоалар ўртасида эълон қилинган рейтинг жадвалида ўзбекистонликлар дунё рейтингига учинчи ўринга лойиқ топилган бўлса, Осиеда терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

Шахмат

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

РЕСПУБЛИКА ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН «ТОШКЕНТ ОПЕН» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЮРТИМИЗДА ШАХМАТ ТОБОРА ОММАЛАШИБ БОРАЁТГАНЛИгини ЯНА БИР ҚАРРА ИСБОТЛАДИ.

Ўзбекистонлик шахматчилар билан бирга ўнга яқин давлатдан келган «ақл гимнастикаси» усталари ўртасида кечган беллашувлар якунида саккиз очкодан жамғарган ҳамюртларимиз Марат

Жумаев, Сергей Қаюмов ва қирғизистонлик Леонид Юргавларга голиблик насиб этди. Турнирнинг барча голиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди.

Тоғ чанғиси

ТУРКИЯДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

ТУРКИЯДА ТОҒ ЧАНҒИСИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ИККИ ЙИРИК ХАЛҚАРО ТУРНИР МАМЛАКАТИМИЗ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Арзрум шаҳрида ўтказилган ўндан ортиқ давлатлар спортчилари иштирок этган мусобақада терма жамоамизга учинчи ўрин насиб этган бўлса, Сарикамишдаги турнирда ҳамюр-

тларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Ушбу муваффақиятда терма жамоамиз шарафини химоя қилган Мадина Рашидова, Наталья Шамаева, Ксения Григорьева, Гулиза Гаюпо-

ва, Олег Шамаев, Денис Григорьев, Сафар Эгамбердиев ва Ноил Ширазиддинов сингари иқтидорли спортчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мусобақалар

ЁШЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУНДА БИЛИМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИШ БЕРИШ ВА КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЕИХ ТОМОНИДАН КЎПГИНА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

Пойтахтда жойлашган соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган ёшларнинг билим салоҳиятини ошириш, интеллектуал қобилиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмуни ўтказиш ва ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг ижодий, илмий изланишларида кўмаклашиш мақсадида кунинг кеча Собир Раҳимов туманида жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти аъзолари ўртасида «Нима? Қачон?Қаерда?» мусобақалари ўтказилди.

Ушбу тадбир «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Нима?Қачон?Қаерда?» уюшмаси ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» мар-

кази каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Мусобақада соғлиқни сақлаш тизимидаги 11 та муассасалар иштирок этди. Ҳар бир муассаса бир гуруҳни ташкил қилиб унда 8 нафар иштирокчи қатнашди.

Илгиланган эътиборига бор билим ва маҳоратларини, имкониятларини кўрсатиб беллашган иштирокчилар ичида биринчи ўринни Чилонзор туманининг «Наврўз» жамоаси, иккинчи ўринни Мирзо Улугбек туманининг «Улугбек юлдузлари» ва учинчи ўринни Миробод туманининг «Дустлик» жамоалари қўлга киритдилар.

Голиблар ташкилотчилар томонидан қиммат-баҳо сздалик совғалари билан тақдирландилар.

Азиза МУҲАМЕДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 16 апрелдаги ажримларига асосан куйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди

Table with 10 columns: №, Корхона номи, Мақоми, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ОКПО, Хўжалик судининг ажрим рақами, Муваққат бошқарувчи, Банкротлик иши куйидаги кунда ва соатда кўрилади

Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 26 апрелда соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар куйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 602-хона. Банкротлик иши 2007 йил 27 апрелда Тошкент шаҳар Хўжалик судида, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4-суд мажлиси залида (судья Г.М.Эрматова томонидан) кўрилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Буюртма Г - 306

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, оршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилади. Қоғоз бивими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6